

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОМАНСУРОВА ЗИЛОЛА АБДУВАХИТОВНА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИННОВАЦИОН**  
**ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Шомансурова Зилола Абдувахитовна**

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш.....3

**Шомансурова Зилола Абдувахитовна**

Финансирование инновационных проектов в акционерных обществах.....23

**Shomansurova Zilola Abduvaxitovna**

Financing of innovative projects in joint-stock companies.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОМАНСУРОВА ЗИЛОЛА АБДУВАХИТОВНА**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИННОВАЦИОН**  
**ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Iqt2016 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Карлибаева Рая Хожабаевна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тошмурадова Бувсара Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ашурова Насиба Батировна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» июнь соат 1130 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И. Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-71; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, И. Каримов кўчаси, 49. Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-28-71; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «19» май кuni тарқатилди.

(2022 йил «19» май даги № 17 - рақамли реестр баённомаси.)



**Н.Х. Жумаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**В.Т. Бердияров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ омиллар инновацион фаолиятни кенгайтириш ҳамда уни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш заруратини юзага келтирмоқда. Тараққий этган мамлакатларда фаолият юритаётган компанияларда кластер тизими орқали инновацияларни жадаллаштиришга муваффақ бўлинган. Глобал инновацион рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, «илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларига харажатларнинг 90 %и дунёдаги 2500 ортиқ компаниялар маблағлари улушига тўғри келади»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий тараққиётни таъминлашда акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш бирмунча устуворликка эга бўлиб, бу эса инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ амалиётни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жаҳонда акциядорлик жамиятларининг иқтисодий ривожланиши ва келажақдаги фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммолар ечимини ҳал этиш, акциядорлик жамиятларини замонавий технология билан таъминлаш, яъни технологияларни ўзлаштиришга ўқитиш, технологик интизом ва акциядорлик жамияти учун муҳим фаолиятни амалга оширишга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, давлат улушига эга акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини ошириш билан боғлиқ инновацион лойиҳалар ва юқори технологияли стартап лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларни самарали ривожлантириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлаш»<sup>2</sup> муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Бу борада, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминловчи давлатнинг бошқарув органлари билан махсус ихтисослашган инфратузилма ўртасидаги молиявий муносабатларни барқарорлаштириш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон «Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил

<sup>1</sup> [https://www.wipo.int/wipo\\_magazine/ru/2020/03/article\\_0002.html](https://www.wipo.int/wipo_magazine/ru/2020/03/article_0002.html)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги фармони.

24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида, шунингдек, мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш масалалари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, хорижлик олимлардан А.Смит, R.S.Kaplan, Ф.Х.Найт, Е.Н.Feroz, К.Р.Макконел, W.Robertнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган<sup>3</sup>. Мазкур масала россиялик олимлардан А.Н.Гаврилова, О.А.Кузнецова, Е.С.Стоянова, П.Н.Шуляк, А.С.Брысаев, В.Бабич, А.А.Новиков, М.Н.Милеева, И.Гарафиевнинг илмий ишларида ўрганилган<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг назарий ва амалий асослари М.Б.Хамидуллин<sup>5</sup>, Х.А.Қурбонов, С.Э.Элмирзаев, Н.А.Шерқўзиёва<sup>6</sup>, М.С.Хамроев сингари бир қатор ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Ўзбекистонда

<sup>3</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. - 960 с., Kaplan R.S., Norton D.P. Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System // Harvard Business Review, 1996, January/February, p. 176., Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль: Пер. с англ. – М.: Дело, 2003., Feroz E. H., Park K., Pastena V. S. The Financial and Market Effects of the SEC's Accounting and Auditing Enforcement Releases // Journal of Accounting Research. 1991. Vol. 29. Supplement. pp. 107-142., Макконел К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Экономика: принципы, проблемы и политика. – И.: Инфра-М, 2017., Robert W. Kolb, Ricardo J. Rodriguez. Financial Management, 2nd Edition, 1996. - p. 386.

<sup>4</sup> Гаврилова А.Н и др. Финансовый менеджмент. – М.: КНОРУС, 2008. - 432 с., Кузнецова О.А Структура капитала. Анализ методов ее учета при оценке инвестиционных проектов. // Экономика и мат. методы. 1994, Т. 31, Вып. 4., Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом. Учебно-практическое пособие. – М.: Перспектива, 1998. - 128 с., Шуляк П.Н. Финансы предприятия. – М.: Издательско - торговая корпорация «Дашков и К» 2005. - 712 с., Брысаев А. С. Инновационное управление производственными программами и проектами в НГХК. Казань Литагент БИБКОМ. 2013. 978-5-7882-1398-9. 249с., Бабич В Инновационная модель бизнес-процесса. – М.: Наука, 321с., Новиков А. А. Ресурсы и факторы инновационного развития российской экономики. – М.: Синергия 2011., Милеева М.Н. Innovations and inventions. Инновации и изобретения. – М.: Финансы. 2013. 386с., Гарафиев И. Инновационный человеческий капитал и когнитивный труд работника. – М.: БИБКОМ. 2012. 312с.

<sup>5</sup> Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании. – М.: Монография, 2014. – 148 с., Қурбонов Х.А. Корпоративные финансы. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007.-184 с., Элмирзаев С.Э. Организационные характеристики и вопросы совершенствования дивидендной политики. Электронный журнал. «Международные финансы и бухгалтерский учет», 2016. №2. 286.,

<sup>6</sup> Шерқўзиёва Н.А. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сисъатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозбадорликни ошириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. 2021й., Хамроев М. Суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати, 2021 й.

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришни такомиллаштиришга бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инновацион фаолиятнинг юзага келиши ва ривожланишининг назарий жиҳатларини ёритиш;

ривожланган мамлакатлар акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолияти ва молиялаштириш билан боғлиқ тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон амалиётига жалб этиш;

акциядорлик жамиятларида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва тартиб қоидаларини, давлат томонидан тақдим этилаётган имкониятларни ўрганиш;

акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини молиялаштириш механизмининг изоҳлаш;

акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларнинг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш босқичларига аниқлик киритиш ва уни амалиётга жорий этиш;

акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш бўйича таклифлар тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Дори-дармон» акциядорлик компаниясининг инновацион фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини молиялаштириш жараёнида юзага келувчи молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, статистик ва молиявий таҳлил, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** куйидагилардан иборат:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари – стартап инновацион лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинган венчур фондларини барча турдаги солиқ тўлашдан озод этиш таклиф этилган;

умуммиллий характерга эга, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини оширишга таъсир кўрсатувчи инновацион лойиҳаларни қайтариб бермаслик асосида молиялаштиришни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари инновацион лойиҳаларининг 50 фоизидан кам бўлмаган қисмини Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

«Дори-дармон» акциядорлик компаниясида инновацион лойиҳаларни қайтариб бермаслик асосида молиялаштириш, венчур фондларини барча

турдаги солиқ тўлашдан озод этиш ва жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг 2026 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш манбаларидан фойдаланиш йўллари аниқланган;

акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини молиялаштириш механизми функционал ёндашув асосида такомиллаштирилган, молиявий муносабатларни рағбатлантиришга узвий боғлиқлиги аниқланган;

Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ўртасида инновацион жараёнларни жадаллаштириш корхоналар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга олиб келиши исботланган;

акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини молиялаштириш ҳолатини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон давлат активларини бошқариш агентлиги, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси расмий маълумотларининг таҳлилларига асосланган, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг ишончлилиги ундаги маълумотларнинг расмий манбалар, яъни Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари нашр ва ҳисоботларидан олинганлиги ва уларнинг акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштиришнинг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот ишида олинган таклиф ва тавсиялардан акциядорлик жамиятлари инновацион лойиҳаларини молиялаштиришни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва молиявий-иқтисодий дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан акциядорлик жамиятларининг инновацион маҳсулотлари бозорини ривожлантириш ва ундаги маҳсулотлар турларини жорий этиш жараёнида қўлланилувчи усулларни тизимлаштириш ва асослаш, акциядорлик жамиятлари трансформация стратегиялари, ички меъёрий ҳужжатлари, мамлакат қонун ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари – стартап инновацион лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинган венчур



фондларини барча турдаги солиқ тўлашдан озод этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 06/04-02-32/2998-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида инновацион лойиҳаларни молиялаштирган венчур фондлари ихтиёрида 16,7 млрд. сўм маблағ қолишига эришилган;

умуммиллий характерга эга, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини оширишга таъсир кўрсатувчи инновацион лойиҳаларни қайтариб бермаслик асосида молиялаштиришни амалга ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 06/04-02-32/2998-сон маълумотномаси). Натижада бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари манбалар ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган. Бу биринчи навбатда, бюджетдан ташқари фондларга тегишли бўлиб, маблағларнинг бир қисми инновацион лойиҳаларда фойдаланилаётган халқаро патентларни қўллаб-қувватлаш, миллий ва хорижий патентлашни молиялаштириш учун сарфланган;

устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларининг 50 фоизидан кам бўлмаган қисмини Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 06/04-02-32/2998-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳалари Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 31,2 млрд. сўм молиялаштирилган;

«Дори-дармон» акциядорлик компаниясида инновацион лойиҳаларни қайтариб бермаслик асосида молиялаштириш, венчур фондларини барча турдаги солиқ тўлашдан озод этиш ва жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг 2026 йилгача прогноз кўрсаткичлари «Дори-дармон» акциядорлик компаниясининг инновацион фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 06/04-02-32/2998-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми 2026 йилда 67,6 фоизга ошиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги шакллантирилган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган; илмий янгилик характерига эга натижалар ва уларнинг амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятлари инновацион фаолияти ва уни молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида иқтисодийни модернизациялаш шароитида акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолияти иқтисодий ўсиш имкониятини тобора ривожлантиришнинг асосий омили эканлиги асосланган. Акциядорлик жамиятларида инновацион жараённинг мунтазам ривожланиб бориш имкониятлари ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини сезиларли равишда ўзгартириб, акциядорлик жамиятларида иқтисодий муносабатларни тубдан янгилайди.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 51 ва 52-мақсадларида инновацион иқтисодийни шакллантириш фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро реал интеграцион алоқаларини тизимли шакллантириш орқали глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб энг юқори 50 та мамлакат қаторига киритиш белгиланган<sup>7</sup>.

Шу мақсадда республиканинг инновацион ҳудудга айлантирилаётган туман ва шаҳарларида юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган технологик янгиланиш бўйича умумий қиймати 165,9 млрд. сўмлик жами 195 та лойиҳани ўзлаштириш белгиланган.

Бундай йирик ва стратегик аҳамиятга эга инновацион лойиҳалар Ўзбекистонинг глобал инновацион индексдаги позициясини мустаҳкамлашга

---

<sup>7</sup> 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида 1-илова. 51,52-мақсадлар. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

ижобий таъсир этиши табиий ҳолдир. Бу, ўз навбатида, йирик инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ молиявий ресурсларни талаб этиб, мазкур молиявий ресурслар ҳисобига инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, аввало, инновацияларнинг иқтисодий табиати ва аҳамиятини замонавий иқтисодий ислоҳотлар шароитидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилишни талаб этади.

Агар инновацияларга хос илмий ёндашувларнинг рестроспектив негизларига эътиборни қаратилса, инновациялар ва уларга хос назарий фикрларнинг ривожланиши икки асосга тақалишини кузатиш мумкин. Биринчиси, иқтисодиётнинг циклик ривожланиш концепцияси. Бунда инсоният тараққиётининг динамик тавсифга эгаллиги, эҳтиёжларнинг чекланмаганлиги ва доимий ўзгариб, янгиланиб бориши жамият тараққиётининг моддий негизини ташкил қилган. Жамият тараққиёти эса унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва самарали молиялаштириш орқали эволюцион ривожланиш жараёни содир бўлганлигини кузатиш мумкин.

Иккинчидан, инновациялар маълум янгиликларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ даврий тавсифга эга. Хусусан, иқтисодий ўсиш суръати инновацион ривожланиш ва товарларнинг ҳаётийлик даврига боғлиқ. Инновацион жараёнлар янги товар ва хизматларни бозорга олиб чиқиш билан якунланмайди. Чунки барча товар ва хизматларнинг ҳаётийлик даври мавжуд бўлиб, мазкур давр циклик тавсифга эга. Истеъмолчилар эҳтиёжларининг максимал қондирилиши ва унинг сўниб бориши янги маҳсулотларга эҳтиёжнинг вужудга келиши билан давом этади. Бу ҳолат технологик янгиланиш билан боғлиқ инновацион жараёнларг давомийлигини тасдиқлайди.

«Инновация» тушунчаси янгилик киритиш деган маънони англатади. Инновациянинг умумий таърифига инновацион фаолият натижасида, янги маҳсулотлар ёки такомиллашган технология жараёнини амалиётга жорий этиш ёки маълум бир маҳсулот ёки хизмат тури тушунилади<sup>8</sup>.

Назарий жиҳатдан, акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятни маълум ижтимоий-иқтисодий самарага асосланган ва амалий жиҳатдан аналог мавжуд бўлмаган товар ва хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича фаолият тури сифатида ўрганиш мумкин.

Акциядорлик жамиятларида инновацион жараённи татбиқ этиш давомийлиги мавжуд бўлиб, инновацион жараён жорий қилинган, уни амалга ошириш жараёнлари такомиллашиб бораверади, натижада эса инновацион маҳсулотнинг самараси ва хусусиятлари ошади.

Акциядорлик жамиятлари маҳсулот ишлаб чиқариш инновацияси янги ёки такомиллашган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бундай маҳсулотни мавжуд асбоб-ускуналар ёки ишлаб чиқаришда қўлланилаётган усуллар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Инновацион лойиҳа нуқтаи назаридан, молиявий ресурслар унинг ижрочилари ва аниқ мақсадни амалга

---

<sup>8</sup> Сайфутдинова Н.Ф. Ўзбекистонда инновацион жараёнларни самарали ташкил этиш йўллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. 5-сон, sentyabr-oktyabr, 2020-у. 134-140-б.

оширувчи шахслар билан ўзаро боғланади, шунингдек мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг ривожланишига таъсир этувчи чора-тадбирлар тизимини ифодалайди. Қуйидаги жадвалда инновация бўйича назарий таҳлиллар келтирилади.

### 1-жадвал

#### Инновация бўйича назарий ёндашувлар<sup>9</sup>

№	Муаллифлар	Таърифлар	Манбалар
1.	Шумпетер Й.	Инновация – тадбиркорлик руҳи билан рағбатлантирилган ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияси	Анынина А. и другие. Инновационный менеджмент: Учебное пособие. – М.: Дело, 2009. 271 с.
2.	Спенсер В.Р.	Инновация – аниқ вазиятда мутлақо янги нарсанинг юзага келиши мумкинлиги	Ильенкова С.Д. и другие. Инновационный менеджмент: Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2007. 368 с.
3.	А.Кулагин	Инновация – инновацион ишлаб чиқариш, институционал, молиявий, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги янгилик	Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. Учебник. – СПб.: Питер, 2009. 254 с.
4.	Дафт Ричард	Инновация фаолияти – илмий натижалар ва ишланмаларни тижоратлаштириш орқали ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологияни янгилаш, уларнинг сифатини ошириш билан ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш.	Ричард Л. Дафт. Менеджмент. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2007. – 864 б.
5.	Балабанов И.	Инновация – янгиликларга асосланган маҳсулот ёки янги усулда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича меҳнатнинг янги усуллари қўллаш, янги ёндашув асосида назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усуллари киритиш	Круглова Н.Ю. Инновационный менеджмент. Учебное пособие. – М.: Ступень, 2008. – 348б.
6.	Гвишиани Д.М.	Инновация янгиликларни яратиш, уни янги воситалар орқали амалга ошириш ва натижавийликка қадар бўлган жараённи ўз ичига олувчи умумий жараён ҳисобланади.	Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник. – СПб.: Питер, 2008. 448 с.
7.	Канторович Л.В.	Инновация – амалиётда қўлланувчи ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талабларни қониқтирувчи, мос келувчи соҳаларда самара берувчи илмий ихтиро ёки кашфиётлар.	Завлина П.Л. и другие. Инновационный менеджмент: Учебное пособие. – СПб.: Наука, 2008. – 294 с.
8.	Кук Я., Майерс П.	Инновация – илмий ғоядан бошланиб, бозорда сотиладиган тайёр маҳсулот кўринишига эга жараён.	Оголева Л.И. и другие. Инновационный менеджмент: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 194 б.
9.	Расулов Н.	Инновация – инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унинг механизмни шакллантириш	“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 6-сон, ноябрь-декабрь, 2015 йил.
10.	Ғаппаров Э.О.	Инновация – янги амалий аҳамиятга эга муваффақиятни таъминловчи янгилик	НамДУ илмий ахборотномаси. – Научный вестник НамГУ, 2019 йил. 10-сон

Акциядорлик жамиятларида инновацион жараённинг асосини янги техника ва технологияларни яратиш ва ўзлаштириш ташкил этади. Инновацион техника ишлаб чиқариш омилларининг мажмуи бўлиб, яъни меҳнат қуроли ва воситалари, билимлар ва кишилар уқувининг моддийлашувидир. Инновацион технологиялар эса техникани тайёрлаш ва


<sup>9</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

қўллашнинг усуллари мажмуи бўлиб, табиий жисмларнинг саноат ва маиший маҳсулотларга айланишидир. Яъни инновация ғоядан ғоягача етук бўлган воқеаларнинг кетма-кет занжири бўлиб, муайян маҳсулот, технология ёки хизмат ва иқтисодий жиҳатдан ҳисобга олинадиган амалиёт шаклидир.

Инновацияга молиявий маблағларни янги ишланмалар ва уларни амалга оширишга йўналтириш билан боғлиқ йўналишлар ва унинг босқичма-босқич амалга оширилишининг қамраб олиниши муаллифнинг фикрича, акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолияти деб аталади. У субъектларнинг илмий ғоя ва ишланмаларини, техника билан боғлиқ янгиликлар ва замонавий бошқарув муносабатларини ўз ичига олади, улар биргаликда инновацияни ташкил этади.

Венчур корхоналар асосий акциядорлик жамиятларини илмий тадқиқот, ҳисоблаш ва бошқа воситалар билан таъминлайди, бошқариш соҳасида керакли хизматларни кўрсатади.

Одатда, ички венчур молиялаштириш муваффақиятли олиб борилса, асосий акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш бўлимларининг бирига айланади ва унинг маҳсулотларини асосий компания ёрдамида сотишни амалга оширади. Ҳозирги кунда венчур корхоналар янгилик киритишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Бундай корхоналарни ташкил этиш учун қуйидаги таркиблар бўлиши керак (1-расм).



1-расм. Венчур элементлари<sup>10</sup>

Венчур корхоналарнинг аксарияти ахборот технологиялари, коммуникация, асбоб-ускуналар, компьютерлар янги авлоди каби маҳсулотларни бозорга чиқарилган. Улар компьютер технологияларини ишлаб чиқариш жараёнида венчур корхоналарда муваффақиятли инновацион лойиҳаларни амалга оширилган. Бу лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнида қисқа муддатда қўлланганидан сўнг, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг умумий миқдори сезиларли даражада ошган. Кейинчалик ички венчур корхоналари йирик ишлаб чиқариш компанияларга айланган.

Диссертациянинг «**Акциядорлик жамиятлари инновацион фаолияти молиявий таъминоти самарадорлиги таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида инновацион лойиҳалардан манфаатдор бўлган барча корхоналардан уни амалга ошириш доирасида ўзаро интеграциялашни амалга ошириш

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

кераклиги кўрсатиб ўтилган. Лекин корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида давлат томонидан унинг олиб борилиши ёки амалга оширилиши тартибга солиб борилади.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадларидан бири 2030 йилда Глобал инновацион индекс рейтингида жаҳон мамлакатларининг биринчи 50 талигидан ўрин олиш ҳисобланади<sup>11</sup>. Бундай давлат харажатларини Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2021 йилга бориб 0,8 %гача етказиш белгиланган<sup>12</sup>.

Қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкинки, соф давлат бюджетидан илм фанга ажратилаётган харажатлар 2018 йилда 285,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса ушбу кўрсаткич 2021 йилда 427 %га (қарийб 4,2 баробарга) ўсиб номинал қиймати 1218,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Натижада илм фанга давлат бюджети харажатларининг ЯИМдаги улуши 2018 йилда 0,07 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб +0,1 %га ошиб, 0,17 фоизни ташкил қилган.

Илм-фанни молиялаштиришнинг бу манбаи давлат бюджетининг 2 турдаги харажатларини ўзида мужассамлаштиради: давлат бюджетининг ижтимоий соҳа харажатлари таркибида илм фанга харажатлар. Ушбу харажатлар ҳам икки туркумдаги харажатларни ўзида мужассамлаштириб, Илмий-тадқиқот муассасалари, хусусан Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси илмий тадқиқот институтларини сақлаш харажатлари ҳисобланиб ушбу харажатлар 2018 йилда 56,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб, 636,9 млрд. сўмга етган ва бундай харажатлар таҳлил қилинаётган даврда 1125,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Мазкур харажатлар Фанлар академияси таркибидаги илмий тадқиқот институтлари жорий харажатлари ва уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатларни ўзида мужассамлаштиради.

## 2-жадвал

### Давлат бюджетининг илм фанни молиялаштириш харажатлари тўғрисида маълумот<sup>13</sup>, млрд. сўмда

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2018 й.га нисбатан 2021 й.даги ўсиш, %да
Илмий тадқиқот муассасалари, хусусан, ИТИ Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг сақлаш харажатлари	56,6	295,1	347	636,9	1125,3
Давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш доирасида илмий лойиҳаларни молиялаштириш харажатлари	202,3	367,3	476,8	531,7	262,8

<sup>11</sup> Қаранг: 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси (ЎзР Президентининг 21.09.2018 й. ПФ-5544-Фармонига 1-илова). <http://buxgalter.uz>

<sup>12</sup> Ўша ерда: <http://buxgalter.uz>. 3-боб, 3.2-модда.

<sup>13</sup> [www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

**2-жадвал давоми**

Марказлаштирилган инвестицияларда илм-фанга ажратмалар	<b>26,5</b>	<b>32,8</b>	<b>43,3</b>	<b>50</b>	<b>188,7</b>
Жами харажатлар	285,4	695,2	823,8	1218,60	427,0
ЯИМ, жорий нархларда	424728,7	529391,4	602193,0	734587,6	173,9
ЯИМда илм-фанга давлат харажатлари улуши, %да	0,07	0,13	0,14	0,17	+0,1

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳаларга харажатлари таркибидаги давлат илмий-тезник дастурларни амалга ошириш доирасида илмий лойиҳаларни молиялаштириш харажатлари 2018 йилда 202,3 %ни, 2021 йилга келиб эса 531,7 %га етган ва бу даврдаги умумий ўсиш 262,8 фоизни (қарийб 2,6 баробарга ўсган) ташкил қилган.

Мазкур харажатлар давлат илмий техника дастури асосида олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот лойиҳалари молиялаштириш бўйича грантларни ўзида мужассамлаштириб, реал лойиҳаларни молиялаштириш тизими ҳисобланади.

2016 йилдан бошлаб, иқтисодиётни модернизациялаш сиёсатининг иқтисодий ислохотларда кун тартибидаги долзарб масала сифатида намоён бўлиши ёки 2017 йилдан иқтисодий ривожланишнинг фундаментал асосини ташкил қилувчи Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича янги курсдаги ислохотларнинг амалга оширилиши миллий инновацион тизимларнинг давлат ва корпоратив молиялаштириш манбаларини янада кенгайтириш бўйича ислохотлар амалга оширилишига сабаб бўлган.

**3-жадвал**

**Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари<sup>14</sup>, млрд.сўм**

№	Молиялаштириш манбалари/йиллар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 й.да 2016 й.га нисбатан ўсиш, %да
1.	Корхоналар хусусий маблағлари	213,4	2501,5	1381,5	1251,8	1180	553,0
2.	Хорижий инвестиция кредитлари	39,9	1228,7	32,3	156,6	314,9	789,2
3.	Тижорат банклари инвестиция кредитлари	26,8	533,5	262,5	280,1	157,3	586,9
4.	Давлат бюджети ва мақсадли фондлар	31,7	370,6	2081	3839,7	919,1	2899,4
	Жами	311,8	4634,3	3757,3	5528,2	2571,3	824,7

Бунда умуман, инновацияларни молиялаштиришнинг манбаларини институционал инвесторлар кесимида юқоридаги жадвалда кузатиш мумкинки, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги маҳсулотларни ўзлаштириш сиёсатини ўзида

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тузилган

мужассамлаштирувчи инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимида корхоналар хусусий маблағлари 2016 йилда 213,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда кескин ўсиш кузатилиб, 2501,5 млрд. сўмга етган.

Бу жараён Ўзбекистонни 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг<sup>15</sup> 2017 йилга мўлжалланган устувор вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ тизимли ислохотларга боғлиқ ҳолда ривожланган. Хусусан, ушбу йилда юқори технологик қуролланган саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, импорт маҳсулотларига қарамликни олдини олишга қаратилган маҳаллий хом ашёлар базасида юқори қўшимча қийматли товарлар (хизматлар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ ислохотларни саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида кенг жорий этиш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида кузатилган.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос равишдаги «қимоя ёстиғи» вазифасини бажарувчи тадбир сифатида янги маҳсулотлар ва технологик қайта қуроллантириш орқали миллий ва глобал рақобатбардошлик позициясини<sup>16</sup> мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини янада ривожлантиришга ички молиявий ресурсларни юқори даражада мобилизация қилишни талаб этган. Қўйида «Дори-дармон» акциядорлик жамияти инновацион ишланмаларга жалб қилинган инвестициялар таркибини кузатиш мумкин.

#### 4-жадвал

#### «Дори-дармон» акциядорлик жамиятида инновацион ишланмаларга жалб қилинган инвестициялар таркиби<sup>17</sup>, млрд. сўм

№	Манбалар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўсиш
1.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	26,7	48,2	75,4	282,4
2.	Марказлашган инвестициялар ва давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестициялар	18,1	54,4	82,6	456,4
3.	Ҳомийлик маблағлар	32,9	72,3	150,1	456,2
4.	Акциядорлик компанияси хусусий молиявий ресурслари	51,4	48,9	48,1	93,6
5.	Жами инновацион фаолиятга харажатлар	129,1	223,8	356,2	275,9
5.	Жами таннарх ва операцион харажатлар	102,4	360,7	325,6	318,0
6.	Таннарх ва операцион харажатларда инновацион ишланмаларга харажатларнинг улуши, фонзда	126,1	62	109,4	

«Дори-дармон» акциядорлик жамияти инновацион ишланмаларга жалб қилинган инвестициялар таркибида асосий салмоқни ҳомийлик маблағлари

<sup>15</sup> Қаранг: 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](https://lex.uz/docs/3107036)га 1-илова. <https://lex.uz/docs/3107036>.

<sup>16</sup> Ўша ерда: <https://lex.uz/docs/3107036>.

<sup>17</sup> «Дори-дармон» акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



